



100

140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (0-366) 629-15-10, faks (0-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-1154

20/8 у.г «28» сент. 2018

№ 2594-к

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

Тумандаги "Бўстон" МФЙ "Бўстон" кишлоғи
худудидан давлат хусусий шерикчилик асосида
"Болалар боғчаси" куриш учун Мусурманов
Норбойга ер майдони ажратил тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2018 йилдаги "Мақтабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3651-сонли Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида тузилган туман хокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"ни 36- моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни маълумот учун қабул қилинсин. туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Мусурманов Норбойга "Бўстон" МФЙ "Бўстон" кишлоғи худудида жойлашган туман хокимлиги захира фонди хисобидаги 538-контур ер майдонидан 50 (эллик) ўринли давлат хусусий шерикчилик асосида "Болалар боғчаси" куриш учун 0.15 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Фуқаро Мусурманов Норбойга ажратилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда вилоят экология экспертизасидан экологик хулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа хужжатларини тайёрлатиш ҳамда тегишли ташкилотларнинг рўхсати олингандан сўнг, курилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б(М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги хужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га "Болалар боғчаси" бино иншоотлари курилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини Давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими

Ш.Негматов